

ХИТОЙ ТИЛИДА 把 “ba” ЛИ ГАП ЛЕКСИКАСИ

Артикова Зиёда Зайнитдиновна

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Хитой филологияси кафедраси ўқитувчиси

эл.манзил Ziyda78@mail.ru

Abstract:

Хитой тилида 把 “ba” ли гап махсус гап турига киради, чунки унинг структураси асосий гап структурасидан фарқ қилади. 把 “ba” ли гапни қўллаганда унинг тузиш қоидаларига риоя қилиш керак. “把” ли гапдаги ҳар бир бўлақларини ўртасида алоқа мавжуд, булар ҳам грамматик, ҳам семантик алоқа бўлиши мумкин. Уларни кўриб чиқиш мақоламиз мақсадига киради.

Keywords: : 把 “bǎ” ли гап, инверсия, тўлдирувчи, феъл, махсус гап.

Грамматика бир бутун ҳодисадир, ҳар бир гап шакли ўртасида ўзаро боғлиқлик, ўзаро чегара бор. Агар гапнинг бирон томонида ўзгариш содир бўлса, бутун грамматик тизимнинг мувозанати бузилади, гап тартибида ўзгаришлар келиб чиқади. Янги грамматик усуллар, функцияси ўхшаш грамматик шаклларга осон таъсир кўрсатади.

Биз изланаётган 把 “ba” ни олд кўмакчи вазифасида ишлатилиши масаласи хитойшуносларнинг диққат марказида туради.¹ Чунки, биринчидан 把 “ba” ни олд кўмакчи сифатида келиши, хитой тили грамматикасида махсус гап турига кирса, (把 “bǎ” ли гап деб айтилади), иккинчидан уни қўллаш бироз мураккаброқ, ўрганган тақдирда ҳам ўқувчилар уни ишлатиш жараёнида қўллашдан воз кечадилар, унинг ўрнига оддий гап тузилиши билан фикрларини баён этадилар. Шунинг учун бу мавзуда хитойда кўпгина тадқиқотлар қилинган, муҳокамалар бўлган.² Биз ўқитувчилардан ўзбекистонлик хитой тилини ўрганувчи талабаларга бу мавзунини ўргатишда махсус ёндошиш талаб қилинади.

¹ 沈家煊 语法化 外语教学与研究 1994年

² Каримов А.А. Хитой тилидаги ҳисоб сўзлар. [Лексик семантик, структурал ва функционал таҳлили] 汉语量词. Hanyu liangci [Chinese quantifiers], Тошкент, 2003. 97-6



把 “bǎ” иероглифи хитой тили лексикасида бироз мураккаб, ишлатилиш кўлами кенг, мослашувчан ва кўп қўлланиладиган иероглифлардан бири ҳисобланади. Хитойлик олим 许慎 Xǔshèn нинг қадимги “说文解字” Shuōwén jiězì луғатида 把 “bǎ” ни “握也” wòyě ушламоқ, “从手” cóng shǒu қўл билан олмоқ маъноларини кўрсатиб ўтилган. Бундан билишимиз мумкинки 把 “bǎ” қўл билан боғлиқ ҳаракатларга нисбатан ишлатилган, чунки унда 扌 (手shǒu) қўл калити бор бўлиб, бу калит иероглифнинг ён бўлаги шакли сифатида келади. Баъзи иероглифлар қўл ва қўл ҳаракати билан умуман алоқадор бўлмайди, аммо шуни таъкидлаш жоизки, уларнинг келиб чиқиши қўл ва қўл ҳаракатлари билан алоқадор бўлган ҳисобланади.³

Хитой тилида 把 “bǎ” ли гап махсус гап турига киради, чунки унинг структураси асосий гап структурасидан фарқ қилади. Хитой тилида асосий гап тузилишида тўлдирувчи феълдан кейинги позицияни эгаллаб, уни тўлдириб келади ёки аниқловчи тўлдирувчини аниқлаб келади. Аммо махсус гап турида сўз туркумлари ва гапнинг иккинчи даражали бўлаклари ўрнида ўзгариш содир бўлади.

“把” ли гапни ҳамма ҳолатларда ҳам ишлатиб бўлмайди. Қачонки эга бўлган субъект тўлдирувчи объектни устидан ҳаракат майлини амалга оширсин, сўнгра объектда натижа, ўзгариш ҳосил бўлса ёки бирон ҳолатга ўтиши рўй берсин, шунда “把” ли гапни ишлатиш мумкин. Масалан, “老师把门打开了” гапида “эшик” ни устидан ҳаракат (打) амалга оширилгандан кейин, унинг натижаси эшик очилиши бўлди. Агар бу гап хитой тилини асосий гап структураси билан ифодаланса “老师打开门” деб айтилади, бу ерда “把” олд кўмакчиси ишлатилмаган.

Модал феъл, равиш, пайт ҳоли келганда “把” дан олдин қўйилади. Масалан: 上午要把今天的任务分配一下。 Эрталаб бугунги вазифаларни тақсимлаб бериш керак.

Бундай гапда феъл такрори “А——А、 А了А、 АВАВ、 А一下、 АВ一下” кўринишда бўлади.

Масалан:

你把房间打扫打扫吧。 Сен хонани яхшилаб супуриб чиқгин.

³ Ф.М. Хасанова “Хитой тили иероглификаси” Тошкент 2020й, 110-бет



我把学过的生词又看了看。Мен ўрганган сўзларимни яна ва яна кўриб чикдим.

“把” ли гапда феълдан кейин “了、着” кўмакчилари қўйилади. Феълдан кейин “了” кўмакчиси келганда, феъл “бирданига, қисқа вақтда” содир бўлган ҳаракатни ифодалайдиган феъллар ишлатилиши ва бу ҳаракатнинг натижаси пайдо бўлганини кўрсатиши керак. “丢、脱、拆、倒、扔、吃、喝” каби феъллар билан ишлатилади. Феълдан кейин “着” феъл кўмакчиси кўпинча буйруқ гапларда ишлатилади, ишлатиладиган феъллари: “带、背、拿、摆、举、开” кабилар.

Масалан:

他把钱包丢了。Мен ҳамёнимни йўқотиб қўйдим.

他把厨房里的垃圾倒了。Мен ошхонадаги аҳлат челақни ағдариб юбордим.

别忘记把相机带着。Фотоаппаратингни ўзинг билан олволишни унутма.

Хулоса қилсак, ҳозирги замон хитой тилида 把 “bǎ” ни олд кўмакчи вазифасида ишлатиш кўлами кенгайган. Фақатгина унинг грамматик қоидаларини ўзлаштиришга, семантик ишлатилишига риоя қилинса, ўқувчиларда бу гап турини ўзлаштириш осон кечади. Бундан ташқари ўзлаштирилган билимларни машқлар орқали бажариш, ушбу гап тури иштирок этган матнларни кўпроқ кўриш, оғзаки нутқда кўпроқ машқ қилиш 把 “bǎ” ли гап бўйича билимларни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов А.А. Хитой тилидаги ҳисоб сўзлар. [Лексик семантик, структурал ва функционал таҳлили] 汉语量词. Hanyu liangci [Chinese quantifiers], Тошкент, 2003. 97-б
2. У.Турсунов, А.Мухторов, Ш.Раҳматуллаева “Ҳозирги ўзбек адабий тили” Тошкент Ўзбекистон нашриёти 1992й, 50-бет.
3. Есперсен О. “Философия грамматики”. – Москва. 1956. 63-78б.
4. Артикова З.З. Хитой тили [HSK5 грамматикаси ва ёзув машқлари], Тошкент 2022й.
5. 李德律。外国人实用汉语语法。北京2008年4616
6. 吕叔湘 “中国文法要略” 1957年, 商务印书馆, 24-6

